

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВ МУХТОР ЖАМОЛОВИЧ**

**ПАСТ ОКТАНЛИ БЕНЗИННИ ЭКОЛОГИК ВА ЭКСПЛУАТАЦИОН  
ХОССАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН УНИ КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ  
МОДИФИКАЦИЯЛАШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy (PhD)**

**Махмудов Мухтор Жамолович**

Паст октанли бензинни экологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш  
учун уни коллоид-кимёвий модификациялаш ..... 5

**Махмудов Мухтор Жамолович**

Коллоидно-химическая модификация низкооктанового бензина для  
улучшения его эколого-эксплуатационных характеристик..... 23

**Makhmudov Mukhtor Jamolovich**

Colloid-chemical modification of low-octane gasoline to improve its  
environmental and operational characteristics..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 47

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА  
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**МАХМУДОВ МУХТОР ЖАМОЛОВИЧ**

**ПАСТ ОКТАНЛИ БЕНЗИННИ ЭКОЛОГИК ВА ЭКСПЛУАТАЦИОН  
ХОССАЛАРИНИ ЯХШИЛАШ УЧУН УНИ КОЛЛОИД-КИМЁВИЙ  
МОДИФИКАЦИЯЛАШ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент– 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/К101 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида [www.ionx.uz](http://www.ionx.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Нарметова Гульнора Розиккуловна**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ахмедов Улуғ Каримович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Игамқулова Наргиса Абдувалиевна**  
кимё фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**М. Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «16» май 2018 йил соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( 13 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60); факс: (+99871) 262-79-90.

Диссертация автореферати 2018 йил «03» май куни тарқатилди.  
(2018 йил «03» майдаги №13 рақамли реестр баённомаси).

**Б.С. Закиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

**Д.С. Салиханова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

**С.Т. Тухтаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., проф., академик

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда йилдан йилга автомобил транспорт воситаларининг сони ошиб бораётганлиги сабабли автомобил бензинларига бўлган талаб ҳам кўпаймоқда. Мотор ёқилғиларига бўлган талабнинг ортиши эса ўз-ўзидан атмосферага чиқарилаётган заҳарли газларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Америка, Европадаги давлатлар ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатлар экологияни химоялаш мақсадида мотор ёқилғиларига бўлган экологик талабларни кучайтирмоқда.

Жаҳонда экологик тоза, турли эксплуатацион шароитларда ўзининг кимёвий ва дисперсион барқарорлигини сақлаб қолувчи, юқори октанли бензин ишлаб чиқаришда амалга оширилаётган йўналишларда тегишли ечимларни илмий асослаш, хусусан маҳаллий автомобил бензинларини кимёвий таркибини ва коллоид-кимёвий хоссаларини, уларнинг экологик ва эксплуатацион хусусиятларига таъсирини аниқлаш; енгил бензин фракцияси асосида бензин сифатини яхшиловчи турли диспергирловчи модификаторлар олишни ҳамда уларни оғир бензин фракцияси билан компаундлаб, янги бензин композицияларини олишнинг коллоид-кимёвий хоссаларини аниқлаш; маҳаллий паст октанли бензин асосида замонавий экологик талабларига жавоб берувчи бензин олиш жараёнини мақбул шароитларини ишлаб чиқиш зарур.

Ҳозирги пайтда республикамызда нефт ва газ саноатида янги турдаги ёқилғи маҳсулотларини олиш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилди. Мазкур йўналишда амалга оширилган чора-тадбирлар асосида нефт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш жараёнларини жадаллаштиришни ноанъанавий усулларини ишлаб чиқариш жараёнларига тадбиқ қилиш борасида муҳим натижалар олинди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий паст октанли бензин асосида замонавий экологик талабларга жавоб берувчи бензин ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони.

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Автомобил бензинини физик-кимёвий, экологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш, унинг таркибидаги ароматик углеводородлар, хусусан бензол миқдорини камайтириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича жаҳонда Jones E.M., Smith L.A., Емельянов В.Е., Ахметов А.Ф., Бяков А.Г., Петров И.Я., Абдульминев К.Г., Казаков М.О., Капизова Н.Б., Соловьев А.С., Герасимов Д.Н., Калдыгозов А.Е., Полетаева О.Ю. шу билан бирга маҳаллий олимлар Сайдахмедов Ш.М., Хамидов Б.Н., Юнусов М.П., Нарметова Г.Р. ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Лекин ушбу олимлар томонидан бензинга коллоид-дисперс система сифатида эътибор қаратилмаган. Гарчи, дистиллят фракциялар аралаштирилаётган компонентларнинг коллоид-кимёвий хоссаларини инобатга олган ҳолда муқобил компаундлаш орқали нефт маҳсулотлари ҳолатини яхшилади ва экологик ва коллоид-кимёвий хоссалари бўйича техник талабларга жавоб берувчи ёқилғи олиш имконини беради. Хомашёни қайта ишлаш технологияларини такомиллаштириш ҳамда нефт маҳсулотлари сифатини яхшилаш, нефтни қайта ишлаш саноатининг самарадорлигини оширишнинг асосий омилдир. Ўтказилган ҳам назарий ҳам амалий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, маҳаллий хомашё асосида Европа спецификацияларига жавоб берувчи юқори октанли бензин олиш амалий, экологик ва иқтисодий зарурдир.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Т024 «Турли ишлаб чиқаришларнинг қўшимча маҳсулотлари қўшиш орқали мотор ёқилғилари ресурсини ошириш ва сифатини яхшилаш» (2016-2017 йй.) мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** паст октанли бензинни экологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш учун уни коллоид-кимёвий модификациялашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бензинни фракциялаш ва ҳар бир фракция таркибида бензол ва углеводород таркибини аниқлаш;

металларнинг каталитик хоссаларини ўрганиш ва бензиннинг бензолсаклаган фракциясини каталитик гидро қайта ишлаш учун катализаторлар олиш;

бензиннинг бензолсақлаган фракциясини каталитик гидро қайта ишлаш (гидроизомеризациялаш) жараёнларини лаборатория ва яхлитлашган шароитда ўтказиш ва уни сифатини Евро-4 ва Евро-5 меъёригача етказиш;

бензинни экологик ва эксплуатацион, углеводород-тузилмавий хоссаларини яхшилаш ва шу билан бир қаторда унинг ресурсини ошириш учун коллоид-кимёвий модификациялаш мақсадида гидро қайта ишлаш катализаторлари ва оғир бензин фракциясини компаундлашнинг энг мақбул усулини ишлаб чиқиш;

бензиннинг ароматик ва *n*-парафин углеводородлари индивидуал таркибини молекуладаги углерод атомлари сонининг сорбциянинг термодинамик параметрларига боғлиқлигини, қайнаш ҳарорати ва уларни идентификациялаш учун номограммалар тузиш орқали газ-суюқлик хроматографиясида аниқлаш;

*n*-парафин ва ароматик углеводород миқдорий ва сифат таркибининг автомобил бензинининг экологик ва эксплуатацион хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

ишлаб чиқилган коллоид-кимёвий модификациялаш усулларини тажриба-саноат синовларидан ўтказиш ва ижтимоий ҳамда экологик самарадорлиги баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** АИ-80 автомобил бензини, AlNi-4%, AlNi-8%, AlNi-12%, AlNiW-Cl, AlNiWCr-Cl, AlNiWCu-Cl, AlNiWMo-Cl, AlNiMo-Cl катализаторлари, шу билан бирга ароматик ва *n*-парафин углеводородлар гомолик қатор эталонлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** коллоид-кимёвий модификация, идентификация, физик-кимёвий хоссалар, экологик ва эксплуатацион хусусиятлар, сорбция, гидрогенизация, катализаторнинг каталитик фаоллиги, компаундлаш.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Физик-кимёвий, электрономикроскопик, коллоид-кимёвий, газ-суюқлик хроматографияси.

**Диссертация тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат: турли эксплуатацион шароитларда автомобил бензинларининг детонацион барқарорлиги, унинг дисперсион тузилиши ва кимёвий таркибига боғлиқлиги аниқланган;

автомобил бензинларининг паст ҳароратлардаги физик-кимёвий ва дисперсион хоссалари, оғир смоласимон ва *n*-парафин углеводородлар миқдорининг ўзгариши даражаси билан боғлиқлиги исботланган;

гидроизомеризациялаш йўли билан енгил бензин фракциясидан, уни экологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшиловчи модификаторлар олиш усуллари яратилган;

бензиннинг енгил фракциясини гидроизомеризациялаш жараёнида тадқиқ қилинган шароитларда нафтен углеводородларнинг ҳалқаси очилмаслиги исботланган;

олинган модификаторлар ва оғир бензин фракцияларини компаундлаш орқали экологик юқори октанли бензин олишнинг комбинацион усули ва унинг муқобил технологик шароитлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

саноат миқёсида бензиннинг бензолсақлаган фракциясини гидроизомеризациялаш жараёнини самарали ўтказиш имконини берувчи никел, вольфрам ва мис асосли муқобил катализатор аниқланган. Ушбу катализатор асосида юқори октанли экологик тоза бензин ёқилғисини олиш мақсадида, ҳайдалган бензин фракциясини янгича қайта ишлаш таклиф этилган: риформинг – фракциялаш – гидроизомеризация – компаундлаш ва тажрибалар билан исботланган.

маҳаллий АИ-80 автомобил бензини асосида Европа спецификацияларига экологик ва эксплуатацион хусусиятлари бўйича жавоб берувчи юқори октанли (октан сони 84,9) маҳсулот олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Коллоид-кимёвий ва физик-кимёвий таҳлил натижалари тажриба – лаборатория синовлари билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти модификацияланган юқори октанли автомобил бензин олиш учун асос яратди. Айниқса, бензиннинг бензолсақлаган фракцияларини (б.қ.х.-80°C, 80-90°C, 90-100°C, 100-110°C, 110-120°C ва 120°C-о.қ.х.) таркибини сифат ва миқдорий идентификацияси ҳамда бензиннинг бензолсақлаган фракциясини (б.қ.х.-120°C) каталитик гидро қайта ишлаш учун муқобил катализатор яратишнинг янги имкониятларини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий паст октанли бензинни коллоид-кимёвий модификациялашнинг оптимал шароитлари ёрдамида юқори октанли экологик ва эксплуатацион хоссалари яхшиланган мотор ёқилғиси ишлаб чиқариш жараёнида комбинацион усулини қўллашдан иборат. Бу эса республикада мавжуд ишлаб чиқариш қурилмаларида замонавий экологик талабларга жавоб берувчи бензин ишлаб чиқариш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Паст октанли бензинни экологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш учун уни модификациялаш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

паст октанли бензинни экологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш учун коллоид-кимёвий модификациялаш учун «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ да 2019-2020 йилларда амалиётга жорий этилувчи истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2018 йил 12 апрелдаги 02/12-1-70-сон ва «Ўзнефтьмаҳсулот» АЖнинг 2018 йил 19 апрелдаги 20/11-293-сон маълумотномалари). Натижада маҳаллий хомашёлар асосида юқори октанли ва замонавий экологик талабларга жавоб берувчи бензин олиш имконини беради;

паст октанли бензин таркибида бензол ва *n*-парафин углеводородлар миқдорини камайтириш учун уни бензолсақлаган фракциясини гидроизомеризациялаш жараёни «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ да 2019-2020 йилларда амалиётга жорий этилувчи истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2018 йил 12 апрелдаги 02/12-1-70-сон ва «Ўзнефтьмаҳсулот» АЖнинг 2018 йил 19 апрелдаги 20/11-293-сон маълумотномалари). Натижада бензол ва *n*-парафин миқдори бўйича Евро-4 ва Евро-5 талабларига жавоб берувчи бензин ишлаб чиқариш имкони яратилган;

бензолсақлаган бензин фракцияси асосида олинган модификаторлар ва оғир бензин фракциясини компаундлаб, янги экологик юқори октанли бензин композициялари олиш «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ ва «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ да 2019-2020 йилларда амалиётга жорий этилувчи истиқболли ишланмалар рўйхатига киритилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2018 йил 12 апрелдаги 02/12-1-70-сон ва «Ўзнефтьмаҳсулот» АЖнинг 2018 йил 19 апрелдаги 20/11-293-сон маълумотномалари). Натижада хоссалари яхшиланган модификацияланган бензин таркибида бензол миқдори 8,46% дан 0,67% гача, ароматик углеводородлар миқдори эса 48,78% дан 32,43% гача камайтириш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқотнинг асосий натижалари 5 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 110 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги келтирилган, мақсад ва вазифалар, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Паст октанли бензинни коллоид-кимёвий модификациялаш**» деб номланган биринчи бобида, бензин ва бензин фракцияларида нефтнинг дисперс системалари сифатида учрайдиган

*n*-парафин, нафтен, *изо*-парафин ва ароматик углеводородлар хоссалари ҳақида маълумотлар келтирилган, шу билан бирга автомобиллардан атмосферага чиқарилаётган чиқинди газларнинг захарлилик хоссалари келтирилиб, ароматик углеводородлар, хусусан бензол ва уларнинг ёнишидаги маҳсулотларнинг захарлилик даражаси юқорилиги кўрсатилган.

Автомобил бензинларнинг экологик хусусиятларини яхшиланишига қўйилаётган мавжуд ва истиқболли талаблар ҳақида таҳлил келтирилган. Ушбу талаблар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда бензинларнинг экологик хусусиятларини яхшилашга қаратилаётган ишлар, асосан унинг таркибида ароматик углеводородлар, хусусан бензолнинг умумий суммасини камайтиришга қаратилган (жадвал 1).

1-жадвал

**Бензин сифатига қўйилган замонавий талаблар**

Кўрсаткичлар	Талаблар			
	Евро-2	Евро-3	Евро-4	Евро-5
Бензол миқдори, %	5,0	1,0	1,0	1,0
Олтингугурт миқдори, %	0,05	0,015	0,005	0,001
Ароматик углеводородлар миқдори, %	—	42	35	35
Олефин углеводородлар миқдори, %	—	18	14	14
Кислород миқдори, %	—	2,3	2,7	2,7
Фракцион таркиби, %:				
100°С гача ҳайдалувчи, кам бўлмаган	—	46	46	46
150°С гача ҳайдалувчи, кам бўлмаган	—	75	75	75
Тўйинган буғ босими, кПа	—	ёз 70 қиш 90	ёз 70 қиш 90	ёз 70 қиш 90

Сўнгра бензол миқдорини бензин ва риформинг катализати таркибида камайтиришнинг асосий усуллари келтириб ўтилган. Бензолни экстракция усулида ажратиб олиш, бензиннинг октан сонини пасайишига ва уни қайта ишлашдаги мавжуд харажатларнинг сезиларли даражада ошишига олиб келиши кўрсатилган. Бензолни алкиллаш умумий бензин чиқишининг ошишига олиб келсада, жараёнда метил-трет-бутил эфири ишлаб чиқариш ва кимё технологияси учун алкиллаш жараёнини қимматли хомашёси ҳисобланган олефинсаклаган газларни қўллашни талаб этади.


Бензинни коллоид-кимёвий модификациялаш усулида унинг таркибида ароматик углеводородлар, хусусан бензол миқдорини камайтиришнинг илмий асослари келтирилган.

Адабиётлар таҳлили тадқиқотни мақсади ва вазифаларини ифодалашга ёрдам берди. Диссертациянинг «**Тажрибавий тадқиқотлар ҳамда хомашё ва олинадиган маҳсулотлар таҳлил қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида илмий ишда қўлланилган катализаторларнинг турлари ва лаборатория қурилмасини тавсифи ёритилган.

Диссертация ишида бензин ва унинг фракцияларининг углеводород гуруҳ ва индивидуал таркибини, коллоид-кимёвий хусусиятларини, гидроизомеризация жараёнида турли шароитларда қўлланилган катализаторларнинг фаоллиги ва селективлигини аниқлаш имконини берувчи

замонавий ва классик тадқиқот усуллари мажмуи, шу билан бирга Давлат Стандартлари асосидаги нефт маҳсулотлари тадқиқ қилиш усулларидан фойдаланилган.

Бензиннинг бензолсақлаган фракциясини каталитик гидро қайта ишлаш тадқиқотларини ўтказишга мўлжалланган махсус лаборатория қурилмаси схемаси келтирилган (расм 1).



**1-расм. Тажриба қурилмаси схемаси**

1 – водород сақловчи сиғим; 2 – игнасимон клапан; 3 – манометр; 4 – айланувчи двигател; 5 – хомашё ва газ киритилувчи найча; 6 – термопара; 7 – милливольтметр; 8 – редуктор; 9 – реактор (автоклав); 10 – электр печ; 11 – трансформатор.

Шунингдек, катализаторларни синтез қилиш ва уларнинг мустаҳкамлигини аниқлаш методикаси келтирилган. Тажрибаларда ЎЗР ФА УНКИ «Нефт кимёси» лабораториясида синтез қилинган AlNi-4%, AlNi-8%, AlNi-12%, AlNiW-Cl, AlNiWCr-Cl, AlNiWCu-Cl, AlNiWMo-Cl, AlNiMo-Cl катализаторлар қўлланилди. Олинган катализаторлар таркиби 2 жадвалда келтирилган.

**2-жадвал**

**Олинган катализаторлар таркиби**

Катализатор намунаси	NiO миқдори, % масс	WO <sub>3</sub> миқдори, % масс	MO <sub>3</sub> миқдори, % масс	CrO <sub>3</sub> миқдори, % масс	CuO миқдори, % масс	Хлорланган γ-Al <sub>2</sub> O <sub>3</sub> миқдори, % масс
Алюмоникель-4 (AlNi – 4) катализатор	4	—	—	—	—	96
Алюмоникель-8 (AlNi – 8) катализатор	8	—	—	—	—	92
Алюмоникель-12 (AlNi – 12) катализатор	12	—	—	—	—	88
Алюмоникельвольфрамисли (AlNiWCu-Cl) катализатор	4,0	3,5	—	—	0,8	91,7

Алюмоникельвольфрамхромли ( <b>AlNiWCr-Cl</b> ) катализатор	4,0	3,5	—	1,0	—	91,5
Алюмоникельвольфрамли ( <b>AlNiW-Cl</b> ) катализатор	4,0	5,0	—	—	—	91
Алюмоникельвольфраммолебденли ( <b>AlNiWMo-Cl</b> ) катализатор	4,0	3,5	2,0	—	—	90,5
Алюмоникельмолебденли ( <b>AlNiMo-Cl</b> ) катализатор	4,0	—	5,0	—	—	91


Тажрибаларда хомашё сифатида бензиннинг бензолсақлаган фракцияси б.қ.х.-120°С қўлланилган.

Жараённинг хомашё ва маҳсулотлари сифати стандарт аналитик усуллар ёрдамида тадқиқ қилинди. Хомашё ва маҳсулотларнинг углеводород гуруҳ таркиби адсорбцион-криоскопик усулда (ЎзР ФА УНКИ «Нефт кимёси» лабораториясида ишлаб чиқилган), бензолнинг ушбу намуналардаги миқдори эса газ-суюқлик хроматографияси ёрдамида аниқланди.

Диссертациянинг «**Бензиннинг бензолсақлаган фракциясини гидроизомеризациялаш жараёнига таъсир этувчи коллоид-кимёвий омиллар таъсирини тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобида бензиннинг бензолсақлаган фракциясини каталитик гидро қайта ишлаш жараёнидаги реакцияларнинг бориш механизми, шунингдек ишлаб чиқилган жараён натижаларини нисбий баҳолаш учун бензиннинг бензолсақлаган фракцияси б.қ.х.-120°Сни каталитик гидро қайта ишлаш (гидроизомеризациялаш)даги маҳсулот аралашмалари таркиби барқарорлигини термодинамик ҳисоблашлар натижалари келтирилган.

Гидрирлаш ва изомеризациялаш реакцияларига катализатор ташувчиси ( $Al_2O_3$ ) таъсири ўрганилди. Бифункционал катализатор ишлаб чиқишда, изомеризация катализаторларига хос бўлган металл миқдори ва табиатини аниқлаш каби саволлар ечимига жавоб бўлиши, шу билан бир қаторда катализатор ташувчилари талабларини ўзида ифодалаш лозим. Ташувчи юқори танловчанлик хоссаси билан биргаликда изомеризация реакцияларини юқори тезликда боришини таъминловчи кучли кислоталик ва катализаторнинг эксплуатацияси даврида барқарор ишлашини таъминловчи гидрирлаш хоссаларини ўзида намоён этиши керак. Алюминий оксидини кислота типигаги реакцияларда каталитик фаоллигини, уни таркибига галоген моддалар киритиш орқали кучайтириш мумкин.

Бизнинг тадқиқотлар водород хлоридни алюминий гидрооксидини бемитли модификациясига таъсири, хлорланган никельвольфрамли  $\gamma$ -алюминий оксидида хлор миқдори  $\approx 5\%$  гача бўлганида, циклогексаннинг изомеризацияланиши реакциясидаги каталитик фаоллиги ошишини кўрсатди. Бу эса бундан юқори хлор миқдори бўлганида углеводородларнинг изомеризациялаш реакцияларида каталитик фаол бўлмаган  $AlCl_3$  фазалари ҳосил бўлиши билан аниқланиди.  $\gamma$ -алюминий оксидини унинг таркибига хлор киритилиши билан изомеризациялаш хоссаларини ўзгаришига миқдорий баҳолашни циклогексаннинг изомеризациялаш реакцияси мисолида кўришимиз мумкин (2 расм).



2-расм.  $\gamma$ -алюминий оксидининг изомеризациялаш фаоллигига хлорнинг таъсири

Алюминий оксидини хлор киритилиши билан изомеризациялаш фаоллигини ошишини, унинг кислоталилигини ошиши билан бевосита боғлиқ. Коллоид-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида, кислотали марказларнинг изомеризациялаш хусусиятларини алюминий ионидаги кислородни кучлироқ электроманфий хлор ионлари алмашилиши ва бунинг оқибатида кислоталилик юзасини ортиши ҳисобига тезлашиши илмий исботланди.

Диссертациянинг «**АИ-80 автомобил бензинини коллоид-кимёвий модификациялаш орқали уни сифатини Евростандарт меъёрларигача етказиш**» деб номланган тўртинчи бобида АИ-80 бензини ва уни фракцияларининг физик-кимёвий хусусиятлари, шу билан биргаликда лаборатория қурилмасида олинган тажриба натижалари келтирилган.

Тадқиқот объекти сифатида маҳаллий нефтегазоконденсат хомашёси асосида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида ишлаб чиқарилган АИ-80 Тsh 39.3-203.2004 маркали автомобил бензини олинди.

Хомашё сифатида конденсат:нефт 70:30 нисбатида Кўкдумалоқ кони газоконденсати ва нефти аралашмаси олинган. Бугунги кунда нефт захираларидан оқилона фойдаланиш мақсадида газоконденсат миқдори 75-80% гача оширилди. Тадқиқот объектининг физик-кимёвий хоссалари 3 жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Тадқиқот объектининг физик-кимёвий хоссалари

№	Хоссалар	Кўрсаткичлар
1.	Ранги	Рангли –жигарранг, тоза, шаффоф
2.	Детонацион барқарорлиги:	
	Тадқиқот усулидаги октан сони	80
	Мотор усулидаги октан сони	76
3.	20°Сдаги зичлиги, $g/cm^3$	0,772
4.	Нур синдириш кўрсаткичи, $n_D^{20}$	1,4632
5.	Мис пластинкасида синаш	чидамли
6.	Сув миқдори	йўқ

7.	Механик аралашмалар миқдори	йўқ
8.	Фракцион таркиб: Қайнаш ҳароратининг бошланиши, °С	37
	ҳайдаш чегаралари, °С: 10%	50
	50%	104
	90%	150
	Қайнаш охири, °С	180
	Колбадаги қолдиқ, %	1,5
	Йўқотилиш, %	3,0
9.	Олтингугуртнинг масса улуши, %	0,02
10.	Сувда эрувчи кислота ва ишқорлар миқдори	йўқ
11.	Кислоталилик, 100 см <sup>3</sup> бензинда КОН мг	3,0
12.	Оғир смоласимон углеводородлар миқдори, 100 см <sup>3</sup> /мг	45-55
13.	Углеводород таркиби, % масс.: ароматик углеводородлар	48,78
	<i>n</i> -парафин углеводородлар	14,23
	<i>изо</i> -парафин + нафтенон углеводородлар	36,99

Юқоридаги кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, бензин рангли-жигарранг, шаффоф, октан сони тадқиқот усулида 80, мотор усулида 76, зичлиги 0,772 г/см<sup>3</sup>, нур синдириш кўрсаткичи 1,4632, мисли пластинкадаги синовга чидамли, сув ва механик аралашмалари йўқ. Фракцион таркиби бўйича 50%и 104°С, 90%и 150°С ҳайдалади, сўнгги қайнаш ҳарорати 180°С.

Аммо, нефтегазоконденсат хомашёси таркибида нефт заҳирасининг камайиши сабабли газоконденсат миқдорининг 75-80% гача оширилиши, бензин таркибида ароматик углеводородлар миқдори 48,78% гача, хусусан бензол миқдори эса 8,46% гача ошишига олиб келди.

Ушбу кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда, АИ-80 бензинини сифатини яхшилаш, унинг асосида Европа спецификациялари Евро-4 ва Евро-5 талабларига жавоб берувчи бензин олиш жараёнларини ишлаб чиқиш зарурияти намоён бўлди.

Тадқиқот объекти таркибида ароматик углеводородлар ва бензол миқдорини камайтириш мақсадида АИ-80 бензин таркибидан фракцион ҳайдаш йўли билан бензолсақлаган фракцияларни ажратиб олдик. Гарчи бензолнинг қайнаш ҳарорати 80,1°С бўлсада, молекулаларнинг тортилишини инобатга олган ҳолда ҳайдаш 120°С гача олиб борилди.

Бензиннинг енгил қайновчи фракциясини индивидуал таркибини тадқиқ қилиш ва ҳар бир ажратиб олинган фракция таркибида бензолнинг миқдорий улуши газ-суюқлик хроматографияси усули ёрдамида аниқланди. Олинган натижалар 4 жадвалда акс эттирилган.

**АИ-80 бензинини фракциялар бўйича ҳайдашнинг моддий баланси ва бензол миқдори**

Фракция	Миқдор, мл	Бензол миқдори %, об.
Бензин	100	8,46
80°С гача	29,5	17,2
80°С дан 90°С гача	9	15,9
90°С дан 100°С гача	12,5	11,8
100°С дан 110°С гача	1,5	8,7
110°С дан 120°С гача	7,5	5,1
Колбадаги қолдиқ	40	0,09

Юқоридаги кўрсаткичлардан кўришиб турибдики, бензол 120°С дан юқори ҳароратда деярли учрамайди, шу билан бирга ушбу бензин фракцияси бир қисм толуолни ўзида сақлайди.

**АИ-80 бензини ва унинг фракцияларининг физик-кимёвий хоссалари**

Намуна номи	Ҳажми, мл	Нур синдириш кўрсаткичи	Зичлиги, г/см <sup>3</sup>	Углеводородлар миқдори, % масс.			Бензол миқдори, % об.
				ароматик	n-парафин	изо-парафин + нафтен	
Бензин АИ-80	100	1,4632	0,770	48,78	9,90	41,33	8,46
б.қ.х. – 120°С фракция	62,7	1,4550	0,741	42,85	11,90	45,25	13,55
120°С дан юқори фракция	37,3	1,4750	0,799	55,26	7,89	36,85	0,09

Ишнинг мақсади бензин таркибида нафақат бензол миқдорини камайтириш (1% гача), балки ароматик углеводородларнинг умимий миқдорини камайтириш (35% гача) бўлгани сабабли, гидроизомеризациялаш жараёни учун хомашё сифатида бензининг б.қ.х.-120°С фракциясини танлаб олдик. АИ-80 бензинини фракцион ҳайдаш тадқиқотлари натижалари ва бензин фракцияларининг айрим физик-кимёвий хоссалари 5 жадвалда келтирилган.

Тадқиқотларнинг дастлабки босқичида ЎзР ФА УНКИ «Нефт кимёси» лабораториясида синтез қилинган никел асосли катализаторларда гидроизомеризация жараёни ўтказилди ва натижалар таҳлил қилинди.

Тадқиқотларда никель оксиди миқдори бўйича бир-биридан фарқ қилувчи уч хил катализатор намуналари қўлланилди. Таҷриба натижалари 6 жадвалда келтирилган.

**Хомашё ва алюминий каталитаторлари ёрдамида олинган маҳсулотларнинг  
углеводород гуруҳ таркиби**

Углеводородлар	Хомашё таркиби, % масс.	Турли ҳароратларда олинган маҳсулотлар таркиби, % масс.					
		160°C	180°C	200°C	220°C	240°C	260°C
<b>Каталитатор AlNi – 4%</b>							
Ароматик углеводородлар	42,85	41,45	41,75	41,74	40,05	39,20	38,80
<i>n</i> -парафин углеводородлар	11,90	11,85	11,76	11,60	11,75	11,15	11,35
<i>изо</i> -парафин ва нафтен углеводородлар	45,25	46,7	46,49	46,66	48,2	49,65	49,85
Каталитат чиқиши, %	100	100	99,5	98,5	97,5	96,8	95
<b>Каталитатор AlNi – 8%</b>							
Ароматик углеводородлар	42,85	41,52	41,60	41,77	40,9	39,58	37,25
<i>n</i> -парафин углеводородлар	11,90	11,80	11,79	11,36	11,85	11	11,45
<i>изо</i> -парафин ва нафтен углеводородлар	45,25	47	46,61	46,87	47,25	49,42	51,3
Каталитат чиқиши, %	100	99,9	99,2	97,5	97,4	96,2	95
<b>Каталитатор AlNi – 12%</b>							
Ароматик углеводородлар	42,85	40,65	40,61	40,61	39,74	38,27	36,83
<i>n</i> -парафин углеводородлар	11,90	11,65	11,79	11,45	11,95	11,02	11,55
<i>изо</i> -парафин ва нафтен углеводородлар	45,25	47,7	47,6	47,94	48,31	50,71	51,62
Каталитат чиқиши, %	100	99,9	99	98,5	97,6	96,4	95,2

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, тадқиқ қилинган каталитаторлар 160-200°C ҳарорат оралиғида жараёни саноат миқёсида жорий этиш даражасида фаоллик намоён этмаган сабабли, 200-260°C ҳароратлар оралиғида қўшимча тажрибалар ўтказилди.

Шундай қилиб, никелли каталитаторлар ўзининг юқори ишчи ҳароратига эгаллиги ва паст кислоталилик хоссалари туфайли, саноат қурилмаларида қўллаш даражасида юқори самандорликка эга эмаслиги аниқланди.

Юқорида натижалардан келиб чиққан ҳолда, тадқиқотларнинг кейинги босқичларида АИ-80 бензинининг бензолсақлаган фракциясини гидроизомеризациялаш жараёни учун хлорланган оксид алюминий ташувчили, ўзида асосан никель ва вольфрам металлари сақлаган никелвольфрамли катализаторлар қўлланилди. Кўплаб изомеризация жараёнлари учун асосан юқори кислоталилик намоён этувчи ташувчилар ишлатилади. Бунинг учун ташувчини тайёрлаш вақтида унга турли цеолитлар қўшилади ёки 3 бобда келтирилганидек, ташувчига бирор галогенлар (Cl ёки F) билан ишлов берилади. Биз ташувчига ( $\gamma$ -алюминий оксиди) HCl билан ишлов бердик.

Катализаторнинг гидрирлаш-дегидрирлаш хоссалари селективлиги ошириш учун никель ва вольфрам, шунингдек бошқа катализатор намуналарида Cu, Cr, Mo металлари қўлланилди. Бензиннинг бензолсақлаган фракциясини, олинган катализаторлар билан гидроизомеризациялаш жараёни ўтказилди ва ушбу катализаторларнинг гидроизомеризация жараёнларидаги фаоллиги ва селективлиги баҳоланди.

Тажриба натижалари синтез қилинган катализаторларнинг гидроизомеризация жараёнида турлича фаоллик ва селективликни намоён этганини кўрсатди.

Катализаторнинг ишлаш самарадорлигини баҳолашда, ароматик ва *n*-парафин углеводородларнинг гидроизомеризация жараёни маҳсулоти таркибида камайиш даражаси, маҳсулотнинг чиқиши ва жараён шароитлари (ҳарорат ва босим) асосий кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

Гидроизомеризация жараёнидаги катализаторларнинг энг яхши намуналари 7 жадвалда келтирилган.

7-жадвал

**Гидроизомеризация жараёнидаги катализаторлар ишлашининг таққослагандаги кўрсаткичлари**

Катализатор	Жараён ҳарорати, °C	Жараён босими, МПа	Ароматик углеводородлар миқдори, % масс.	<i>n</i> -парафин углеводородлар миқдори, % масс.	<i>изо</i> -парафин ва нафтен углеводородлар миқдори, % масс.	Маҳсулотнинг чиқиши, %
AlNiWCu-Cl	200	5	16,5	0,8	82,7	99
AlNiWCr-Cl	260	5	30,23	8,44	61,33	81
AlNiW-Cl	200	5	18	1,2	80,8	99
AlNiWMo-Cl	200	5	21,45	3,45	77,23	93,4
AlNiMo-Cl	260	5	24,1	6,5	69,4	84,1


Шундай қилиб, Евро-4 ва Евро-5 талабларига жавоб берувчи бензин олиш имконини берувчи хлорланган  $\gamma$ -алюминий оксид асосли AlNiWCu-Cl ва AlNiW-Cl гидроизомеризация катализаторлари ишлаб чиқилди.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида бензиннинг б.қ.х.-120°С фракциясини гидроизомеризациялаш жараёнида қўлланган катализаторлар учун қуйидаги муқобил шароитларни кўрсатишимиз мумкин: AlNiWCu-Cl – ҳарорат 200°С, босим 5МПа; AlNiW-Cl – ҳарорат 200°С, босим 5МПа.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида гидроизомеризация маҳсулоти ва оғир бензин фракцияси катализати 62,7% ва оғир бензин фракцияси 37,3% нисбатида компаундланди. Шундан кейин, олинган янги модификацияланган бензинларнинг углеводород гуруҳлари ва физик-кимёвий хоссалари аниқланди.

Евро-4 ва Евро-5 талабларига мувофиқ бензин таркибида ароматик углеводородлар миқдори 35% масс. дан ошмаслиги лозим.

Модификацияланган бензинларнинг углеводород гуруҳи таркиби адсорбцион – криоскопик усулда аниқланди ва натижалар 8 жадвалда акс эттирилган.



**3-расм. А – бензин АИ-80; Б – бензин (AlNiWCu-Cl да қайта ишланган); В – бензин (AlNiW-Cl да қайта ишланган)**

Евростандарт талабларига мувофиқ бензин таркибида бензол миқдори 1% об. дан ошмаслиги лозим. Тадқиқот объекти ва олинган янги модификацияланган бензинлар таркибидаги бензол миқдорини газ-суюқлик хроматографияси ёрдамида аниқладик. Тадқиқот объекти (АИ-80 бензин) ва янги олинган бензинлар газ-суюқлик хроматографида олинган хроматограммалари 3 расмда келтирилган. Ушбу хроматограммалардан АИ-80 бензини таркибида бензол миқдори 8,46% об.ни, AlNiWCu-Cl катализатори ёрдамида олинган бензинда 0,67% об. ва AlNiW-Cl катализатори иштирокида олинган бензинда эса 0,87% об.ни ташкил этганини кўришимиз мумкин.

## Модификацияланган бензинларнинг углеводород таркиби

Бензин намуналари	Ароматик углеводородлар миқдори, % масс.	<i>n</i> -парафин углеводородлар миқдори, % масс.	<i>изо</i> -парафин ва нафтен углеводородлар миқдори, % масс.
Бензин (AlNiWCu-Cl да қайта ишланган)	32,43	2,78	64,79
Бензин (AlNiW-Cl да қайта ишланган)	33,33	3,89	62,78
Бензин (AlNiWMo-Cl да қайта ишланган)	39,5	5,1	55,4

Келтирилган кўрсаткичлардан кўриниб турибдики, 1-чи ва 2-чи бензин намуналари ароматик углеводородлар миқдори бўйича Евро-5 талабларига тўлиқ жавоб беради.

Олинган янги модификацияланган бензинларнинг физик-кимёвий хоссалари 9 ва 10 жадвалларда келтирилган.

## AlNiW-Cl катализатори катализатини қўшиш билан модификацияланган бензиннинг физик-кимёвий хоссалари


№	Хоссалари	Кўрсаткичлари
1.	Ранги	Рангли –жигарранг, тоза, шаффоф
2.	Тадқиқот усулида октан сони	
3.	20°C даги зичлиги, г/см <sup>3</sup>	0,767
4.	Нур синдириш кўрсаткичи, $n_D^{20}$	1,4490
5.	Мис пластинкасида синаш	чидамли
6.	Сув миқдори	Йўқ
7.	Механик заррачалар миқдори	Йўқ
8.	Оғир смоласимон углеводородлар, 100 см <sup>3</sup> /мг	3-5
9.	Углеводород таркиби, % масс.: ароматик углеводородлар	33,33
	<i>n</i> -парафин углеводородлар	3,89
	<i>изо</i> -парафин + нафтен углеводородлар	62,78
10.	Бензол миқдори, % об.	0,87

## AlNiWCu-Cl катализатори катализатини қўшиш билан модификацияланган бензиннинг физик-кимёвий хоссалари

№	Хоссалари	Кўрсаткичлари
1.	Ранги	Рангли –жигарранг, тоза, шаффоф
2.	Тадқиқот усулида октан сони	
3.	20°C даги зичлиги, г/см <sup>3</sup>	0,762
4.	Нур синдириш кўрсаткичи, $n_D^{20}$	1,4465


5.	Мис пластинкасида синаш	чидамли
6.	Сув миқдори	йўқ
7.	Механик заррачалар миқдори	йўқ
8.	Оғир смоласимон углеводородлар, 100 см <sup>3</sup> /мг	3-5
9.	Углеводород таркиби, % масс.: ароматик углеводородлар	32,43
	<i>n</i> -парафин углеводородлар	2,78
	<i>изо</i> -парафин + нафтен углеводородлар	64,79
10.	Бензол миқдори, % об.	0,67

Ўтказилган тажриба натижалари асосида маҳаллий АИ-80 бензинининг экологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш ҳамда уни сифатини Евро-4 ва Евро-5 меъёрларигача етказишнинг принципиал схемаси тузилди (4-расм).




**4-расм. Евро-4 ва Евро-5 стандартларига жавоб берувчи бензин олишнинг принципиал схемаси**


Маҳаллий бензин ва олинган янги бензин композицияларини эксплуатацион хоссаларини баҳолаш мақсадида, уларни турли паст ҳароратларда (-10, -20, -30°С) электрон микроскопда кузатдик.




*a-1*



*a-2*



*a-3*



**Расм. 5. Маҳаллий АИ-80 бензини ва унинг модификацияланган намунаси сурати:**  
*а-1: АИ-80 бензини  $-10^{\circ}\text{C}$  да; а-2: АИ-80 бензини  $-20^{\circ}\text{C}$  да; а-3: АИ-80 бензини  $-30^{\circ}\text{C}$  да; б-1: модификацияланган бензин  $-10^{\circ}\text{C}$  да; б-2: модификацияланган бензин  $-20^{\circ}\text{C}$  да; б-3: модификацияланган бензин  $-30^{\circ}\text{C}$  да.*

Юқорида келтирилган суратлардан кўришиб турибдики, маҳаллий паст октанли бензинда паст ҳароратларда кристаллар ҳосил бўлмоқда, янги модификацияланган бензин намунасида эса кристаллар ҳосил бўлиши деярли кузатилмади. Бензинда кристаллар ҳосил бўлиши унинг таркибидаги *n*-парафин ва оғир смоласимон углеводородлар борлиги билан тушунтирилади ва бу ҳолатда бензин гомоген ҳолатидан микрогетероген ҳолатига ўтади ва унинг физик-кимёвий хоссалари ҳам ўзгаради. Модификациялаб олинган бензин намунасида кристаллар ҳосил бўлиши кузатилмади, бензин ўзининг гомоген тузулишини сақлаб қолди.

Шундай қилиб, махсус тажриба қуримасида лаборатория шароитида AlNiW-Cu-Cl ва AlNiW-Cl катализаторларини қўллаб, АИ-80 автомобил бензинининг таркибидаги ароматик углеводородларни 35% масс. гача ва бензолни 1% об.гача етказиб, унинг асосида Евро-4 ва Евро-5 талабларига жавоб берувчи бензин олишнинг коллоид-кимёвий модификациялаш усули ишлаб чиқилди.

## ХУЛОСА

1. Тадқиқот объекти сифатида экологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилаш ва уни сифатини Европа спецификацияларининг Евро-4 ва Евро-5 меъёрларигача етказиш мақсадида маҳаллий нефтгазоконденсат хомашёсидан олинган паст октанли саноат бензини танлаб олинди ва биринчи марта уни б.қ.х.  $-80^{\circ}\text{C}$ ,  $80-90^{\circ}\text{C}$ ,  $90-100^{\circ}\text{C}$ ,  $100-110^{\circ}\text{C}$ ,  $110-120^{\circ}\text{C}$ ,  $120^{\circ}\text{C}$ -о.қ.х. фракцияларига фракциялаб, ҳар бир фракциядаги бензол миқдори аниқланди.

2. Ишлаб чиқилган маҳаллий АИ-80 бензинини хлорланган алюмоникелвольфрамли катализаторлар иштирокида каталитик гидро қайта ишлаш усули ёрдамида, биринчи бор рақобатбардош модификацияланган автомобил бензинини олиш имконияти яратилди.

3. Гидроизомеризация жараёнини муқобил шароитлари аниқланди ва бензин таркибида ароматик углеводородларни сезиларли даражада камайиши ҳисобига, бензин ёнишидан чиқадиган чиқинди газлар миқдори камайиши аниқланди. Хоссалари яхшилانган модификацияланган бензин таркибида бензол миқдори 8,46% дан 0,67% гача, ароматик углеводородлар миқдори эса

48,78% дан 32,43% гача камайгани газ-суюқлик хроматография усулида исботланди.

4. Бензиннинг бензолсақлаган фракциясини гидроизомеризациялаш жараёнида тадқиқ қилинган шароитда нафтен ҳалқали углеводородларнинг очилиш реакциялари бормаслиги аниқланди.

5. Гидроизомеризация жараёнида қўлланилаган хомашё бир хил компонентдан таркиб топмаганини ва айрим углеводород гуруҳлари улушини унинг сифатига таъсирини инобатга олган ҳолда, ушбу жараённи турли фракцияларни қайта ишлашда ҳам қўллаш мумкинлиги аниқланди.

6. Экологик ва эксплуатацион хоссалари яхшиланган модификацияланган бензин олиш учун гидроизомеризация катализати ва оғир бензин фракциясини компаундлашнинг муқобил нисбатлари топилди.

7. Паст октанли бензинни модификациялашгача ҳамда уни модификациялашдан кейинги олиб борилган коллоид-кимёвий, экологик ва эксплуатацион комплекс тадқиқотлар натижалари, ушбу усулни нефтегазоконденсат хомашёсини қайта ишлашда тадқиқ этиш истиқболларини кўрсатди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 27.06.2017.К/Т.35.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ИНСТИТУТЕ ОБЩЕЙ И  
НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ И ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**МАХМУДОВ МУХТОР ЖАМОЛОВИЧ**

**КОЛЛОИДНО-ХИМИЧЕСКАЯ МОДИФИКАЦИЯ  
НИЗКООКТАНОВОГО БЕНЗИНА ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ ЕГО  
ЭКОЛОГО-ЭКСПЛУАТАЦИОННЫХ ХАРАКТЕРИСТИК**

**02.00.11 – Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент– 2018**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2018.1.PhD/K101.**

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.

Аврореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (реюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Нарметова Гульнора Розиккуловна</b> доктор химических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Ахмедов Улуғ Каримович</b> доктор химических наук, профессор <b>Игамкулова Наргиса Абдувалиевна</b> кандидат химических наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Национальный Университет Республики Узбекистан имени М. Улугбека</b>

Защита диссертации состоится «16» мая 2018 года в «10<sup>00</sup>» часов на заседании Научного совета DSc27.06.2017.K/T.35.01 при Институте общей и неорганической химии Академии наук Республики Узбекистан по адресу: 1000170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60, Факс: (99871) 262-76-57. e-mail: [ionxanruz@mail.ru](mailto:ionxanruz@mail.ru)).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Института общей и неорганической химии за №13, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (100170, г. Ташкент, ул. Мирзо Улугбека, 77-а.) Тел.: (+99871) 262-56-60, факс: (+99871) 262-79-90.

Аврореферат диссертации разослан «03» мая 2018 года.  
(реестр протокола рассылки №13 от «03» мая 2018 года.)

**Б.С. Закиров**  
Председатель научного  
совета по присуждению  
ученой степени, д.х.н.

**Д.С. Салиханова**  
Ученый секретарь научного  
совета по присуждению  
ученой степени, д.т.н.

**С.Т. Тухтаев**  
Председатель Научного семинара  
при научном совете  
по присуждению ученой степени,  
д.х.н., проф., академик

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире из года в год спрос на автомобильный бензин растет из-за увеличения количества автомобильных транспортных средств. В результате увеличение спроса на моторное топливо приведет к увеличению вредных выбросов в атмосферу. Многие развитые страны Америки, Европы и других под защитой экологии ужесточают требования к топливам.

В мире по производству экологически чистых автомобильных бензинов, который сохраняет свою химическую и дисперсионную стабильность в различных эксплуатационных условиях, необходимо обосновать ряд решений в этой области, в частности определение влияния химического состава и коллоидно-химических свойств отечественных автомобильных бензинов на их экологические и эксплуатационные свойства; определение коллоидно-химических свойств получения диспергирующих модификаторов улучшающих качество бензина на основе легких бензиновых фракций, а также получение компаундированием их с фракцией тяжелого топлива новых бензиновых композиции; разработка оптимальных условий процесса получения бензина, отвечающих современным экологическим требованиям на основе местного низкооктанового бензина.

На сегодняшний день в республике по разработке новых видов топлив в нефтегазовой промышленности достигнуты теоретические и практические результаты. В этом направлении на основе проведенных работ по разработке нефтепродуктов и применение нетрадиционных способов для интенсификации процессов переработки достигнуты важные результаты. В третьем направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены важные задачи «дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов»<sup>2</sup>. В этом аспекте, в частности, важную роль играет научное исследование, направленное на производство бензина, отвечающего современным экологическим требованиям, на основе местного низкооктанового бензина.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2017 года ПП-3236 «О программе развития химической промышленности на 2017-2021», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в республике VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

**Степень изученности проблемы.** Научными исследованиями по разработке технологий улучшения физико-химических, экологических и эксплуатационных свойств автомобильного бензина, уменьшению в его составе содержания ароматических углеводородов, в частности бензола, занимались за рубежом Jones E.M., Smith L.A., Емельянов В.Е., Ахметов А.Ф., Бяков А.Г., Петров И.Я., Абдульминев К.Г., Казаков М.О., Капизова Н.Б., Соловьев А.С., Герасимов Д.Н., Калдыгозов А.Е., Полетаева О.Ю., а также отечественные ученые Сайдахмедов Ш.М., Хамидов Б.Н., Юнусов М.П., Нарметова Г.Р. и др.

Однако, этими авторами не уделялось внимание бензинам как коллоидно-дисперсным системам. Хотя, оптимальное компаундирование дистиллятных фракций с учетом коллоидно-химических свойств смешиваемых компонентов улучшит состояние нефтепродуктов и позволит получить топливо, отвечающее техническим требованиям по экологическим и структурным свойствам. Важным резервом повышения эффективности нефтеперерабатывающей промышленности является совершенствование технологии переработки сырья и улучшения качества нефтепродуктов.

Проведенные исследования как в теоретическом, так и в прикладном планах показало, что для получения высококачественного автомобильного бензина на основе местного сырья, отвечающего Европейским стандартам, является практичным, экологически и экономически целесообразным.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских работ Института общей и неорганической химии по темам: ФА-Т024 «Улучшения качества и увеличения ресурса моторных топлив с добавлением побочных продуктов различных производств» (2016-2017 гг.).

**Целью исследования** является коллоидно-химическая модификация низкооктанового бензина для улучшения его эколого-эксплуатационных характеристик.

**Задачи исследования:**

фракционирование бензина и определение для каждой фракции количества бензола и группового углеводородного состава;

